

А Ж Р И М

(Ярашув институтини қўллаш муносабати билан жиноят ишини тугатиши ҳақида)

2022 йил март ойининг 11 кунини Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди Тошкент вилояти Зангиота тумани Марказ шох кўчаси 12-уйда, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, туман судининг раиси И.Сабиров, судья ёрдамчиси А.Хожиевнинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокурори И.Бозоров, гумонланувчи М.Бобоев ва унинг ҳимоячиси Н.Икрамова, жабрланувчи А.Абдурахмоноваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланган **Бобоев Музаффар Авезович**га нисбатан №1-1006-2201/182-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Бобоев Музаффар Авезович (Boboyev Muzaffar Avezovich) - 1971 йил 04 март кунини Бухоро вилояти, Қоракўл туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Бухоро вилояти, Олот тумани, Халифа ҚФЙ, Халифа кўчаси, 57-уйда яшайди.

Суд,мазкур жиноят иши юзасидан гумонланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, ишда тўпланган ҳужжатларга ва суд муҳокамасида текширилган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2021 йил 23 ноябрь кунини эрталаб соат 06:30ларда гумонланувчи М. Бобоев бошқарувидаги давлат рақами 80 Н 353 QA бўлган ЛАДА ВЕСТА русумли автомашинасида Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТХАЙ кўчаси бўйлаб, Бунёдкор шох кўчаси томондан Дийдор кўчаси томонга асосий йўл қатнов қисмидан ҳаракатланиб келаётганда ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса, қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шартлиги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг хусусияти ҳамда ҳолатини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги, чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда(лар)га, шунингдек велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи(лар)га йўл бериши кераклигига қарамадан амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” қисми, 77-банди 1 ва 3 қисми ва 96-банди қоидаларини қўпол равишда бузиб, натижада ўнг томон иккинчи даражали йўлга бурилиши жараёнида кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда Абдурахмонова Ақида Рахматовнага йўл бермасдан уриб юборган ва жабрланувчи йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 03 декабрдаги №7774 Х-ҳуж сонли хулосасига кўра, А.Р.Абдурахмонова мазкур йўл-транспорт ҳодисаси натижасида “умуртқа поғонаси ёпик жароҳати, 1-бел умуртқаси танасининг ёпик



компрессион синиши, орқа мия фаолиятининг бузулишисиз, ўнг қўл билак суягининг дистал эпиметафизидан ёпиқ парчаланиб синиб силжиши” каби **ЎРТАЧА ОҒИР** даражадаги тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.

Мазкур ҳаракатлари билан гумонланувчи М.Бобоев Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Гумонланувчи М.Бобоев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи А.Абдурахмоновадан кечирим сўраб, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, жабрланувчи А.Абдурахмоновага етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва у билан ярашганини айтиб, ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи А.Абдурахмонова суд мажлисида, юқоридаги ҳолатни тасдиқлаб, ҳозирда М.Бобоевга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга етказилган зарар қопланиб, тўлиқ бартараф қилинганлигини, ярашиши учун бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини билдириб, улар ўзаро ярашганлиги сабабли М.Бобоевга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув муносабати билан тугатиш ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гумонланувчи М.Бобоев ҳамда жабрланувчи А.Абдурахмонова судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўрашган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига биноан, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиной жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан, жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, жабрланувчи А.Абдурахмонова ҳамда гумонланувчи М.Бобоевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини ўрганиб ҳамда Чилонзор туман прокурори И.Бозоров, гумонланувчи М.Бобоев ва унинг ҳимоячиси Н.Икрамова, жабрланувчи А.Абдурахмонованинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатиш ҳақида билдирган фикрларини эшитиб, М.Бобоевнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, гумонланувчи томонидан жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув уларнинг ўзаро хоҳишлари билан ихтиёрий бўлганлигини эътиборга олиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ярашувга тушиши сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ М.Бобоевни жиной жавобгарликдан озод қилиб ва унга нисбатан юритилган жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.



Шунингдек, жабрланувчи А.Абдурахмоновага Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириш лозимлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Гумонланувчи **Бобоев Музаффар Аvezович (Boboyev Muzaffar Avezovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргандан сўнг М.Бобоевга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчи А.Абдурахмоновага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолган деб ҳисоблансин.

Норози томонлар ажрим устидан йигирма кун ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри:

имзо

И.Сабилов

